«Т а с д и қ л а й м а н»
**Бухоро вилоят ҳокимлиги**
**ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати**
**инжиниринг компанияси директори**
**Танлов комиссияси раиси**
**_______________ Ф.Жаллиев**

**“Бухоро шаҳар “Х.Нуробод” МФЙдаги 75 ўринли 9-сон мактабгача таълим муассасасиси филиалини реконструкция қилиш”** объектида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун бош пудрат ташкилотини танлаш мақсадида эркин танлов ўтказиш комиссиясининг
№ 179- Қ/Т-2019-сонли йиғилиш

**Б А Ё Н Н О М А С И**

2019 йил 01 июл Бухоро шаҳри

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси директорининг 2019 йил 24 январдаги 6 ич-сонли буйруғи билан тасдиқланган, танлов савдоларини ўтказиш комиссияси аъзолари қатнашдилар.

| | |
|---|---|
| - Ф.Жаллиев | Компания директори Танлов комиссияси раиси |
| - А.Бозоров | Компания директори уринбосари -танлов комиссия раисининг ўринбосари |

**К о м и с с и я а ъ з о л а р и**

| | |
|---|---|
| -Ж.Джалилов | Компания бош мухандиси; |
| -Ў.Жумаев | Бухоро шаҳар хокимининг ўринбосари; |
| - Ш.Жамилов | Вилоят мактабгача таълим бошқармаси бўлим бошлиғи |
| - С.Файзиев | Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси Давлат унитар корхонаси Бухоро вилоят филиали директори |
| - А.Сатторов | Вилоят Инвестициялар буйича бош бошкармаси етакчи мутахассиси; |
| -Ж.Хайитов | Вилоят курилиш сохасида худудий назорат инспекцияси бош мутахассиси; |
| - Ф.Шарипов | “Bukhara Perfekt Project” МЧЖ директори |

**Комиссия котиби:**

| | |
|---|---|
| - М.Акрамов | Компаниянинг маркетинг бўлими етакчи мутахассиси |

Йиғилишни комиссия раиси Ф.Жаллиев олиб борди.

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

**“Бухоро шаҳар “Х.Нуробод” МФЙдаги 75 ўринли 9-сон мактабгача таълим муассасасиси филиалини реконструкция қилиш”** объектида эркин танлов комиссиясининг пудрат ташкилотини танлаш тўғрисида

***(Ф.Жаллиев, Ў.Жумаев, Ж.Джалилов, Ф.Шарипов, Ф.Жаллиев)***

Кун тартибидаги масала юзасидан танлов комиссия раиси Ф.Жаллиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 феврал ПҚ-4201-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Махкамасининг жорий йилнинг 15 апрелдаги 05-05/-654-сонли баёнининг 9 бандига асосан, қатнашадиган пудрат ташкилотлари томонидан танлов савдосига такдим этилган хужжатлар тўлиқ ҳажмда бўлиши, тўғри тузилган ва расмийлаштирилган бўлсагина улар кўриб чиқилиши ва ва Ўзбекистон Республикасининг

…влат харидлари туғрисида” 2018 йил 9 апрелдаги 472-сонли Қонунига асосан …тказилиши, объект буйича маълумотлар махсус ахборот парталига 6922146 лот раками билан эълон берилганлиги хакида маълумот бериб ўтди.

Агар ҳужжатлар нотўғри тузилган ва расмийлаштирилган ҳамда тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган бўлса, бундай таклифлар кўриб чиқилмай пудрат ташкилоти раҳбарига қайтарилиши тўғрисида маълум қилинди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси томонидан вилоятда 2019 йил манзилли қурилиш дастурига киритилган **“Бухоро шаҳар “Х.Нурободˮ МФЙдаги 75 ўринли 9-сон мактабгача таълим муассасасиси филиалини реконструкция қилиш”** объекти бўйича мазкур объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари “Bukhara Perfekt Project” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси Давлат унитар корхонасининг Бухоро вилояти филиали томонидан 2019 йил 27 июндаги 700/19-сонли ижобий хулоса берилганлиги танловда иштирок этиш таклифини билдирган талабгорлар томонидан тақдим этилган оферталар, бугун очилиши ҳамда тўлиқ ҳажмда тақдим этилган, тўғри тузилган ва расмийлаштирилган бўлсагина, улар комиссия томонидан кўриб чиқилиши, шунингдек, талабгорлар талаб этилаётган малакага эга …и эга эмаслигини аниқлашга рухсат берилиши ҳақида танлов комиссия раиси томонидан ахборот бериб ўтилди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси томонидан белгиланган объектнинг фойдаланишга топшириш муддати ва бошланғич баҳоси жорий шартнома нархда қуйидагиларни ташкил этди.

| **Буюртмачининг бошланғич нархи, Сўм** | | **Қурилиш таъмирлаш ишларининг тугатиш муддати** |
|---|---|---|
| **ҚҚС билан** | **ҚҚС сиз** | |
| **2 524 323 000** | **2 103 602 500** | **150 кун** |

Шундан сўнг, мазкур объектни мукаммал таъмирлаш бўйича комиссия раиси ўринбосари томонидан тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш мақсадида қуйидаги талабгорлар вакиллари иштирокида 3 та талабгорларнинг ҳужжатлар папкаси очилди.

1. “Тех-строй гарант Бухара” МЧЖ
2. “Пешку транс курилиш” МЧЖ
3. “Камолов Мухтор Жамалович” МЧЖ

Танловда талабгорларнинг офертаси танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиб таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. Шундан сўнг талабгорларнинг офертаси танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, таҳлил қилинганда қуйидагилар аникланди “Пешку транс курилиш” МЧЖ ва “Камолов Мухтор Жамалович” МЧЖларнинг тақдим этган қўйилмалари белгиланган тартибда тақдим этилмаганлиги сабабли, уларнинг таклифлари комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилмади ва иккинчи пакет ҳужжатлари тўплами талабгорларга қайтарилди.

“Тех-строй гарант Бухара” МЧЖнинг қиймат таклифи танлов ҳужжатларининг талабларига мос келади.

Мазкур талабгорлардан “Тех-строй гарант Бухара” МЧЖнинг тақдим этган нархи қўшимча қиймат солиғи билан 2 518 642 692 сўм ва қўшимча қиймат солиғисиз 2 098 868 910 сўм қурилиш ишларини тугатиш муддати 2019 йил 17 октябр деб, берган таклифи буюртмачи талабларини тўлиқ қаноатлантиради ва ғолиб деб тан олинади.

Комиссия аъзолари талабгорлар томонидан эркин танлов савдоларига тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари ўрганиб чиққандан сўнг комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда, танлов комиссияси:

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И :**

1. Ушбу объ ект бўйича танлов савдосининг ғолиби деб бажариш муддати 2019 йил 17 октябр ва нархи қўшимча қиймат солиғи билан 2 518 642 692 (икки миллиард беш юз ун саккиз миллион олти юз кирк икки минг олти юз туксон икки) сўм бўлган “Тех-строй гарант Бухара” МЧЖ ташкилотининг таклифи тан олинсин.

2. “Буюртмачи” ва “Ғолиб” ўртасида шартнома тузиш учун музокарага киришилсин.

3. Эркин танлов баённомаси танлов иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

| | |
|---|---|
| Ж.Джалилов ____________ | Ў.Жумаев ____________ |
| А.Бозоров ____________ | Ж.Хайитов ____________ |
| С.Файзиев ____________ | Ш.Жамилов ____________ |
| Ф.Шарипов ____________ | А.Сатторов ____________ |

Комиссия котиби: М.Акрамов